



## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИНИНГ ОҒРИҚЛИ МУАММОЛАРИДАН БИРИ

Умаров Закир Равупович

иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон  
Республикаси ИИВ Малака ошириш институти  
Махсус-касбий фанлар кафедраси профессори  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14551742>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15- Dekabr 2024 yil  
Ma'qullandi: 18- Dekabr 2024 yil  
Nashr qilindi: 24- Dekabr 2024 yil

### KEYWORDS

Баланд тоғлар орасида жойлашган Сарез кўли атрофида тез-тез zilзила содир бўлиб туриши сабаб эксперт олимлар уни «Уйқудаги аждарҳо» деб аташади ва кўл билан боғлиқ хавотирлар тез-тез айтилиб турилади..

### ABSTRACT

Марказий Осие минтақасининг оғриқли муаммоларидан бири бу Тожикистон ҳудудида жойлашган Сарез кўли билан боғлиқ муаммолардир. Помир тоғлари орасида денгиз сатҳидан 3 255 метр баландликда жойлашган кўл 1911 йилда содир бўлган zilзилада Бартанг дарёси оқими табиий тўғон билан ёпилиб қолиши ортидан пайдо бўлган эди. Ўтган давр мобайнида унинг чуқурлиги кишиларни ҳайратга соладиган даражадаги 505 метрга етиши кўпчиликни ховотирини оширмоқда. Сарез кўли сейсмик ҳудудда жойлашган бўлиб, унинг атрофида тез-тез zilзилалар содир бўлиши кузатилади. Ана шу ҳолат кўплаб эксперт ва жамоатчиликнинг хавотирларига сабаб бўлмоқда.

Марказий Осие минтақасининг оғриқли муаммоларидан бири бу Тожикистон ҳудудида жойлашган Сарез кўли билан боғлиқ муаммолардир. Помир тоғлари орасида денгиз сатҳидан 3 255 метр баландликда жойлашган кўл 1911 йилда содир бўлган zilзилада Бартанг дарёси оқими табиий тўғон билан ёпилиб қолиши ортидан пайдо бўлган эди. Ўтган давр мобайнида унинг чуқурлиги кишиларни ҳайратга соладиган даражадаги 505 метрга етиши кўпчиликни ховотирини оширмоқда. Сарез кўли сейсмик ҳудудда жойлашган бўлиб, унинг атрофида тез-тез zilзилалар содир бўлиши кузатилади. Ана шу ҳолат кўплаб эксперт ва жамоатчиликнинг хавотирларига сабаб бўлмоқда.

Баланд тоғлар орасида жойлашган Сарез кўли атрофида тез-тез zilзила содир бўлиб туриши сабаб эксперт олимлар уни «Уйқудаги аждарҳо» деб аташади ва кўл билан боғлиқ хавотирлар тез-тез айтилиб турилади.

Жумладан, 2020 йил ноябр ойида Британиянинг Daily Mail нашри Тожикистондаги Сарез кўли ҳақида мақола эълон қилганди. Унда мазкур кўл «Аста-секинлик билан ҳаракатга келувчи табиий бомба» деб аталган. Шунингдек, Сарез кўлида юз бериши мумкин бўлган фалокат тарихдаги энг ёмон табиий офатга олиб келиши мумкинлиги айтилган.

Мазкур мақолада ёзилишича, Марказий Осиё мамлакатлари нафақат бой табиати, балки табиий ҳолда шаклланган бир қатор жиддий хавотирли муаммолари билан ҳам ажралиб туради.

«Тожикистон ҳудудидаги Помир тоғларида жойлашган Сарез кўли нафақат бу мамлакат, бошқа Марказий Осиё мамлакатлари учун катта хавф туғдиради. Кўчки натижасида табиий тўғон билан ўралган мазкур кўл табиий мўъжиза бўлиш билан бирга аста-секинлик билан ҳаракатга келадиган бомбага ўхшайди. Агар Сарезда фалокат содир бўлиб, суви оқиб кетадиган бўлса, тарихдаги энг ёмон табиий офатни келтириб чиқариши мумкин. Миллионлаб тонна сув, шағал ва чўкиндилар Бартанг, Панж ва Амударё бўйлаб оқиб, эҳтимол Орол денгизигача етиб бориши мумкин. Фалокат оқибатида Марказий Осиёда миллионлаб гектар ерларни, шунингдек, Тожикистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистонда кўплаб аҳоли манзилларини сув босиши мумкин» деб ёзади, нашр БМТ томонидан турли йилларда берилган баёнотларига асосланиб.

Сарез кўли ҳақида маълумотлар Сарез кўли – Тожикистон таркибига кирувчи Тоғли Бадахшон автоном вилояти ҳудудида жойлашган тоғ кўли. У тоғ жинсларининг кўчиши натижасида табиий пайдо бўлган кўл ҳисобланади.

Кўлнинг:

- Денгиз сатҳидан баландлиги – 3 255 метр;
- Узунлиги – 70-75 км;
- Эни ўртача – 3,3 км;
- Энг чуқур жойи – 505 метр;
- Ўртача чуқурлиги – 185 метр;
- Кўл эгаллаган майдон – 15 755 м<sup>2</sup>;
- Кўл сувининг умумий ҳажми 17 км<sup>3</sup> ни ташкил этади.

Ушбу кўл билан боғлиқ хавотирлар ҳақида шуни айтиш лозимки, 1999 йилда Бирлашган миллатлар ташкилотининг экспертлари Сарез кўли муаммолари ҳақида ўз тадқиқотларини эълон қилган эди. Унда кўл ҳақидаги умумий маълумотлардан ташқари кўлда содир бўлиши мумкин бўлган фалокатнинг тахминий кўламлари ҳақида ҳам ёзилган.

2000 йилда Жаҳон банки назорати остида Сарез кўлида халқаро лойиҳа бошланади. Кўлда уни доимий равишда кузатадиган замонавий мониторинг ва огоҳлантириш тизими ўрнатилади. Ўшандан буён кўлдаги ҳолат доимий равишда кузатиб борилмоқда.

Кўлдаги табиий тўғоннинг ўзида огоҳлантириш сигналинини берувчи ускуналар ўрнатилган. Бу ерда навбатчилик қиладиган операторлар 24 соат давомида кузатув пунктларида ўтириб сувдаги ўзгаришларни ва бошқа параметрларни кузатади. Сув сатҳида кескин ўзгаришлар юз берганда, улар дарҳол огоҳлантириш сигналинини беради. Сарез кўли ҳақида кўплаб экспертлар ўз фикрини билдирган. Жумладан, 2015 йилда Сарез кўли яқинида магнитудаси 7,2 баллга тенг zilзила содир бўлганда россиялик мутахассис Андрей Захватов ўз хавотирларини билдиради.

Сарез кўли билан боғлиқ хавотирлар ўзбекистонлик мутахассислар томонидан ҳам билдирилган. Жумладан ўзбекистонлик мутахассис Равшан Қодиров 2016 йилда Сарез

кўли бугунги кунда Марказий Осиёнинг бир неча республикаларига жиддий хавф туғдираётганини айтиб чиққанди.

Унинг сўзларига кўра, собиқ иттифоқ парчаланмасдан аввал ҳам Сарез кўлини ўрганиш учун илмий экспедициялар ташкил этилган. Тадқиқотчилар, 500 метрлик тўғонни олиб ташлашнинг имкони йўқ деб баҳолашган.

Инсон кўли билан қурилмаган ва кўзга кўринмас жойлари қандай аҳволдалиги номаълум бўлган тўғоннинг кучлироқ табиий офатга бардош бериш даражаси қандай эканини баҳолаш мушкул. Бироқ ҳолатни математик моделлаш мумкинлиги мутахассислар томонидан айтиб келинади.

Шунингдек бошқа мутахассислар томонидан БМТ ҳисоботларида Сарез тўғони ёрилгудай бўлса Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг катта ҳудуди вайрон бўлиши, ушбу республикалардаги миллионлаб инсонлар азият чекиши мумкинлиги айтилади.

2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстона алоқалар қайта тиклангандан сўнг икки мамлакат ўртасида Сарез кўлидаги сувдан ҳамкорликда фойдаланиш режалаштириляётгани ҳақида хабарлар маълум бўлганди

Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёвнинг 2018 йил август ойида Тожикистонга қилган ташрифи давомида бу мамлакат президенти Эмомали Раҳмон келажакда Ўзбекистон билан ҳамкорликда Сарез кўлидаги сувдан фойдаланиш режалаштириляётгани ҳақида гапириб, «Биз бугун Сарез юқори тоғли кўлининг тоза сув ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганишни бошлаш ҳақида келишиб олдик ва бу борада тегишли вазирлик ҳамда институтларга топшириқ бердик. Келажакда биз ушбу лойиҳа минтақамиз аҳолисини сув билан таъминлашга улкан ҳисса қўшишига ишонамиз», - деганди

Сарез кўли билан боғлиқ муаммоларни Марказий Осиё халқлари биргаликда ва ҳамкорликда ҳал этишда кўришлари жуда муҳим ҳисобланади. Сабаблари шундаки Сарез кўли хавфсизлигини таъминлаш бутун минтақа халқлари хавфсизлиги таъминлашнинг гаровидир.